

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МУҲАММАДИЕВА СЕВАРА МУРОДУЛЛАЕВНА**

**АКСИАЛ СПОНДИЛОАРТИТ: СУЯК РЕМОДЕЛЯЦИЯСИ ВА ТАРГЕТ  
ТЕРАПИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**УЎТ: 616.72-002.77:612.018.6-008.74**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Муҳаммадиева Севара Муродуллаевна**

Аксиал спондилоартрит: суяк ремоделяцияси ва таргет терапия  
тамойиллари ..... 3

**Муҳаммадиева Севара Муродуллаевна**

Аксиальный спондилоартрит: ремоделяция костной ткани и аспекты  
таргетной терапии ..... 25

**Mukhammadieva Sevara Murodullaevna**

Axial spondyloarthritis: bone tissue remodeling and aspects of targeted  
therapy..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 50

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.DSc/Tib795 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Набиева Дилдорахон Абдумаликовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмудов Халмурад Садуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Алиохунова Мавжуда Юсуповна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рустамова Умида Мухтаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25; e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.И. Пулатова**

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Л. Аляви**

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, суяк-мушак тизими касалликлари бутун дунёда ногиронликка олиб келувчи етакчи омиллардан биридир. Аксиал спондилоартрит (аксСпА) атамаси радиографик бўлмаган ва рентгенографик аксиал спондилоартрит, яъни анкилозловчи спондилит сифатида маълум. Жараён, одатда, ҳаётнинг иккинчи ўн йиллигида бошланади, эркаклар ва аёллар касалланиш нисбати радиографик аксиал спондилоартритда иккига бир, норентгенологик аксиал спондилоартритда эса бирга бир нисбатда учрайди. “...анкилозловчи спондилит аҳоли ўртасида 0,1-1,5% ҳолларда учрайди, у умуртқа поғонаси, сакроилиак бўғимларнинг аутоиммун яллиғланишига асосланган, касаллик ёш ва ўрта ёшдаги беморларда ногиронликка олиб келадиган ижтимоий аҳамиятга эга...»<sup>1</sup>. Унинг тиббий-ижтимоий аҳамияти ёш аҳолида эрта ногиронлик ривожланиш хавфининг юқорилиги билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида юқори иқтисодий харажатларга сабаб бўлади. Шунинг учун бугунги кунда аксСпА ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда аксиал спондилоартритда яллиғланиш ва янги суяк шаклланиши ўртасидаги ўзаро таъсир механизмлари ва уларни аниқлаш суякнинг узок муддатли структуравий шикастланишининг олдини олиш муаммоларига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. АксСпА ривожланиш хавфининг асосий тан олинган омили - наслий мойиллик. АксСпА билан оғриган беморларнинг 90% идан кўпида HLA-B27 антигени аниқланади. Бироқ бу генни ташувчиларнинг кўпчилигида касаллик ривожланмаслиги ҳам мумкин. HLA-B27 нинг, бир-биридан ДНК таркибида биргина нуклеотид билан, шунингдек таниб олувчи оқсил эгатининг соҳасида 1-7 аминокислоталарнинг ўзгариши билан фарқ қилувчи 25 та аллеллари (В\*27001-В\*2723) мавжуд. АксСпА клиник кечиши ва кучайиш сабабларини аниқлаш; иммунологик ўзгариш хусусиятларини таққослаш; аксСпАнинг эрта ташхислашда цитокинларнинг ролини баҳолаш; суяк ремодуляцияси ўзгариш даражасини ҳисобга олган ҳолда уни даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, аҳоли саломатлигига эътибор қаратишга йўналтирилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан “...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини, сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларни олдини олиш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш ҳамда ташхис, даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг юқори технологик моделларини яратиш...” бўйича қатор

---

<sup>1</sup> Jeffrey R. Curtis et al. The Annual Diagnostic Prevalence of Ankylosing Spondylitis and Axial Spondyloarthritis in the United States Using Medicare and MarketScan Databases. ACR Open Rheumatol. 2021 Nov; 3(11): 743–752.

вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳамда кўрик ва патронаж тизимини юксалтириш билан бирга анкилозловчи спондилоартритни эрта босқичларда аниқлаш, касалликни самарали даволашга ва ёш аҳоли орасида эрта ногиронлик шаклланишини олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлили<sup>3</sup>.**

Аксиал спондилоартрит патогенетик, иммунологик ва клиник хусусиятларини баҳолаш ва даволашни муқобиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлирида, жумладан, University of Cincinnati Medical Center (АҚШ), Copenhagen Center for Arthritis Research, Charite University (Германия), University of Alberta (Канада), Cairo University (Миср), University of Oxford, University of Leeds (Буюк Британия), Queensland University of Technology (Австралия), University Medical Center, Université de Versailles (Франция), University of Padua, University of Modena & RE (Италия), La Paz University Hospital (Испания), Universidade Nova de Lisboa (Португалия), University Hospitals Leuven (Белгия), University of Amsterdam (Нидерландия), University of Thessaly (Греция), University Faculty of Medicine (Туркия), Anhui Medical University (Хитой), Сеченев Университети (Россия), Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Аксиал спондилоартритни эрта ташхислашда, патогенетик механизмларида, иммуногенетик жихатларида, даволаш тамойилларида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: даволовчи жисмоний тарбия машқлари юқори клиник самара берувчи номедикаментоз даво сифатида аҳамияти асосланган (San Carlo Hospital of Potenza and Madonna delle Grazie

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида амалга оширилди: [pubmed.ncbi.nlm.nih.gov](http://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov), [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru), [www.charite.de](http://www.charite.de), [www.ualberta.ca](http://www.ualberta.ca), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [www.uvsq.fr](http://www.uvsq.fr), [www.idipaz.es](http://www.idipaz.es), [www.uth.gr](http://www.uth.gr), [www.uva.nl](http://www.uva.nl), [www.unl.pt](http://www.unl.pt), [www.english.ahmu.edu.cn](http://www.english.ahmu.edu.cn), [www.gbiomed.kuleuven.be](http://www.gbiomed.kuleuven.be), [www.international.unimore.it](http://www.international.unimore.it), [www.cu.edu.eg](http://www.cu.edu.eg), [www.qut.edu.au](http://www.qut.edu.au), [www.sechenov.ru](http://www.sechenov.ru)

Hospital of Matera, Италия); касаллик ривожланишида “интерлейкин-17/интерлейкин-23 ўқи” анкилозловчи спондилоартрит патогенетик занжиридаги етакчи ўрни исботланган (Osaka University Graduate School of Medicine, Япония); ичак дисбактериози анкилозловчи спондилоартрит ривожланишида ва касаллик келиб чиқишидаги ўрни ўрганилган (School of Basic Medical Science, Dalian Medical University, Хитой); Anti-CD74 биомаркери касаллик эрта рентген олди даврларида текширилиши касалликни ташхислашдаги янги меъзон сифатида тахмин қилинган (Ruhr University Bochum, Rheumazentrum Ruhrgebiet, Германия); янги гуруҳ дори воситалари - таргет базисли яллиғланишга қарши ҳамда ген инженер биологик препаратлар касалликни фаоллигини камайтиришда хусусан, умуртқа поғонасида шаклланивчи анкилозланиш жараёнини секинлашишида юқори самарадорлиги аниқланган (Department of Rheumatology, Leiden University Medical Center, Leiden, Нидерландия);

Жаҳонда аксиал спондилоартритни эрта ташхислаш, патогенетик ва иммуногенетик механизмларни аниқлаш, даволаш ва касаллик сабабли эрта ногиронликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда дунёнинг ривожланган давлатларида аксСпАни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бугунги кунга қадар жаҳонда унинг патогенетик механизмлари ҳақида маълум илмий тушунчалар ишлаб чиқилган: аксСпАни интерлейкин-17, интерлейкин-23 каби яллиғланиш олди цитокинлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган (A. Ceribelli, 2021; Ch.Ritchlin, 2020); анкилозловчи спондилоартрит ва HLA-B27 аллель ташувчилари ўртасидаги ассоциация исботланган (B.Chen, 2017, N.Jah, 2020); анкилозловчи спондилоартрит ривожланишида ERAP-1, ERAP-2 ген полиморфизмларининг таъсири ўрганилган (L.Rahmavati 2022, M. Ebrazeh 2020); бир қатор йирик тадқиқотлар анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислашга ёрдам берувчи янги биомаркер - Anti-CD74 га бағишланган (A.Marwa, 2020).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда анкилозловчи спондилит (АС)ни ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Улар асосан АС даги клиник ёки иммуногенетик, ёки юрак-қон томир бузилишларига бағишланган. Бу ишлар, хусусан, АСда буйраклар шикастланишини ўзига хос хусусиятлари, сийдик чўкмасининг бузилиши ва дори воситаларини буйрак фаолиятига салбий таъсири (Наимова Ш.А., 2021); анкилозловчи спондилоартритнинг клиник кечиши билан иммуногенетик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги, юрак-қон томир тизими ҳолати, HLA-B27 ген полиморфизми хусусиятлари (Исламова Д.Н., 2022); COVID-19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартритнинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволаш-профилактика чораларини олиб боришда янги ёндашувлар (Ахмедов Х.С., Абдурахманова Н.М., 2022); анкилозловчи спондилоартритда минераллар алмашинуви бузилишининг клиник-патогенетик аҳамияти ва уни коррекциялаш йўллари (Пулатова Ш.Б., 2023); COVID-19 ўтказган беморларда эндотелиал

дисфункция негзида анкилозловчи спондилоартритнинг кечиш хусусиятлари (Рахимова М.Б., 2023) ва бошқаларни ўрганишдан иборат. Бироқ, юқоридаги илмий адабиёт манбаларидаги маълумотларда АксСпА билан оғриган беморларда касалликнинг эрта даврида клиник кечиши, иммун ҳолатдаги ўзгаришлар ва яллиғланиш олди цитокинларининг ўзгариши тўлиқ ўрганилмаганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, аксСпАни эрта ташхисида суяк ремоделяциясини кўрсатувчи маркерларнинг ўрни тўлиқ аниқланмаган, умуртқа поғонасининг суяк-бўғим тузилмаси зарарланишидаги ўзгаришлар ва ногиронлик ривожланишини кечиктириш усуллари хисобга олган ҳолда даволаш чоралари ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради.

АксСпАда умуртқа поғонасининг анкилозланиши асосан ёш, меҳнатга лаёқатли эркак аҳоли қатламининг ҳаёт сифатини пасайишига, доимий ногиронлик ва меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келишини хисобга олиб, ушбу касалликни эрта аниқлаш ҳамда ўз вақтида даволаш амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800229 «Ички касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усуллари излаш. Профилактиканинг оқилона усуллари» (2019-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аксиал спондилоартрит клиник кўринишларининг кечиш хусусиятлари ва таянч-ҳаракат тизими шикастланишларини баҳолаш, шунингдек, у билан касалланган беморларни эрта ташхислаш ҳамда иммунологик ўзгаришларнинг ривожланишини баҳолаган ҳолда таргет терапия чораларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

анкилозловчи спондилит ва норентгенологик аксСпА беморларда касалликнинг клиник кўриниши, фаоллиги, функционал бузилишларининг хусусиятларини таҳлил қилиш;

анкилозловчи спондилит ва норентгенологик аксСпА билан оғриган беморларда умуртқа поғонаси бел қисми ва сон суяги бўйни суяк минерал зичлигининг касаллик фаоллиги ва босқичи билан боғлиқлигини ўрганиш;

анкилозловчи спондилит ва норентгенологик аксСпА билан оғриган беморларда остеокальцин ва I-тип коллагеннинг C-телопептиди (CrossLaps), В-каппа ядроли омил фаоллаштирувчи рецепторининг лиганди (RANKL), остеопротегерин (OPG) даражаси каби остеопролиферация ва остеорезорбция биомаркерлари концентрациясининг ўзгаришини ва касаллик фаоллиги билан боғлиқлигини ўрганиш;

анкилозловчи спондилит ва норентгенологик аксСпА билан оғриган беморларда суяклар ремоделяцияси ва уни тартибга солиш ҳолатини, касалликнинг клиник ва рентгенологик ўзгаришлари билан боғлиқлигини баҳолаш;

ўсма некрози омили- $\alpha$  (ЎНО- $\alpha$ ) ингибитори билан даволанган аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда цитокинлар концентрациясининг

ўзгаришини касаллик фаоллиги ва структур ўзгаришлар билан боғлиқлигини аниқлаш;

интерлейкин-17А (ИЛ-17А) ингибитори билан даволанган аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда цитокинлар концентрациясининг касаллик фаоллиги ва структур ўзгаришлар билан боғлиқлигини баҳолаш;

аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда Янус-киназа ингибиторларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида аксиал спондилоартрит билан оғриган Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология, ихтисослашган артрологик амбулатор даволаш курси (ИАДК) бўлимларида стационар ва амбулатор даво олган 252 нафар беморлар ва назорат гуруҳини ревматологик анамнезга эга бўлмаган 70 нафар соғлом кўнгиллилар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида аксиал спондилоартрит билан касалланган беморларда анкилозловчи спондилит ва нр-аксСпАнинг клиник кўриниши ва иммунитет ҳолатининг хусусиятлари, яллиғланиш олди цитокинлари кўрсаткичлари, суяк метаболизмининг маркерлари, таргет даволашнинг самарадорлиги натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик, рентгенологик, яллиғланиш олди цитокинлари, суякнинг минерал зичлиги (СМЗ) Lunar Prodigy Primo (США) General Electric HEALTH CARE (2016 й.) икки энергияли рентген абсорбциометрия натижалари, суяк ремодуляцияси маркёрларини аниқлашда остеокальцин (ОК), CrossLaps, OPG ва RANKL концентрацияси ҳамда цитокинлар (ЎНО- $\alpha$ , ИЛ-6, ИЛ-17А) иммунофермент анализ усули, шунингдек статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг дастлабки босқичларидаёқ суяк минерал зичлиги бузилишлари кузатилиши, ҳамда цитокин профили (ЎНО- $\alpha$ , ИЛ-6 ва ИЛ-17А) номутаносиблиги билан боғлиқлиги асосланган;

аксиал спондилоартрит суяк массасига тизимли салбий таъсир кўрсатиши ҳисобига беморларнинг сон суяги бўйнида, умуртқа поғонаси бел қисмида суяк минерал зичлигининг пастлиги аниқланган;

умуртқа поғонасида структур ўзгаришлар ривожланишида остеокальцин ва CrossLaps, RANKL, OPG даражаси ва сўнгги икки маркер нисбатининг диагностик аҳамияти асосланган;

аксиал спондилоартритда ЎНО- $\alpha$  ингибиторлари билан даволанган беморларда аниқ клиник ва лаборатор самара кузатилишига қарамасдан ИЛ-17А нинг юқори концентрацияси сабабли умуртқа поғонасидаги структур ўзгаришлар давом этиши аниқланган;

аксиал спондилоартритнинг аксиал шаклида дастлаб ИЛ-17А ингибиторларини қўллаш, нафақат касаллик фаоллигининг камайишига, балки умуртқа поғонасида структур ўзгаришларининг барқарорлашига ижобий таъсири асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Аксиал спондилоартритда суяк ремоделяциясини эрта ташхислаш” дастур ёрдамида касалликка чалинган беморларда умуртқа поғонасининг анкилозланишини эрта ташхислаш ва ногиронлик хавфини олдини олиш имкони яратилган;

ЎНО- $\alpha$ , ИЛ-17А ва OPG, CrossLaps даражаси, OPG/RANKL нисбатини ўрганиш ёрдамида умуртқа поғонасидаги ва периферик суяк тузилмаси ўзгаришларини эрта аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг фаоллиги, скелетдан ташқари белгилари, цитокинлар профили даражасига қараб даволаш самарадорлигини ошишига ва касалликнинг асоратларини олдини олиш имкони яратилган;

аксиал спондилоартрит билан касалланган беморлар учун тавсия этилган алгоритмлар ёрдамида диагностика ва даво чораларини модификациялаш, даволаш самарадорлигини ошишига ва эрта ногиронликнинг олдини олишга олиб келиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида замонавий усуллар ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларни олинган натижаларга мослиги, ўтказилган текширувларнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, унга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан ўзаро мослиги, хотима ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аксСпА да суяк қайта тикланиши туфайли иммунологик ўзгаришлар негизида касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари, у билан оғриган беморларда иммун профилга нисбатан базисли давони қабул қилиш касалликнинг оғир кечишини, умуртқа ва суяк тизимида жиддий структур ўзгаришларни олдини олиш йўлларига аниқлик киритилганлиги, ЎНО- $\alpha$ , ИЛ-17, OPG ва CrossLaps даражаси, OPG/RANKL нисбатини ўрганиш ёрдамида нафақат касалликнинг фаоллиги пасайиши, балки умуртқа поғонасида синдесмофитлар ривожланишини тўхтатиш имконияти яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти аксСпА билан оғриган беморларда суяк ремодуляцияси кўрсаткичлари маълумотларига асосланиб, даво чораларини эрта бошланиши касалликнинг авжланишини ва асоратларининг олдини олиш, ногиронлик ривожланиши муддатини узайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга эришилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 24 апрелдаги 04/092 - сонли хулосасига кўра:

аксиал спондилоартритни эрта аниқлаш, қиёсий ташхис ўтказиш, даволаш чора-тадбирларини эрта бошлаш мақсадида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 10.11.2023-йилдаги 99-сонли буйруқ,

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 16.11.2023-йилдаги 131-УМ-сонли буйруқ ҳамда Урганч шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси бўйича 25.12.2023-йилдаги 106-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда суяк минерал зичлигининг ўзгаришини эрта ташхислаш касалликда қайтмас структур бузилишлар авж олиб боришининг олдини олиш ва бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3 600 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 200 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

аксиал спондилоартрит билан касалланган беморларда касаллик фаоллигини ва суяк зичлиги бузилишини эрта ташхислаш касалликни даволаш чора тадбирларини мувофиқлаштиришга имкон берди. Натижада беморнинг шифохонада қолиш муддатини 14,8 кундан 10,07 кунгача қисқартириб шифохонада қолиш тўлов миқдори 178 минг сўмга камайтирган ва 70% беморларда касалликни ремиссия даврига ўтказишга имкон берган.

аксиал спондилоартрит билан касалланган беморларда диффуз суяк йўқотилиши маркерларини ва суяк минерал зичлигининг бузилишини эрта ташхислаш касалликни даволаш чора тадбирларини мувофиқлаштиришга имкон берди. Натижада беморда иммун яллиғланиш жараёнини камайтириш мақсадида базис дори воситаларни қўллаш тавсия этилган ва шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган.

аксиал спондилоартрит билан касалланган беморларда даволаш чора тадбирларини мувофиқлаштириш ремиссия даврини узайиши ва бюджетдан ташқари маблағларни 970 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда ген-инженер биологик дори-воситаларни қўллаш тизимли асоратлар ривожланишини, ногиронлик ва касаллик зўрайишини олдини олиш, меҳнат қобилиятини узоқ муддатга сақлаб қолишига имконият берган

Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда суяк минерал зичлигининг ўзгаришини эрта ташхислаш касалликнинг авж олиб боришини олдини олиш ва даволаш чора тадбирларни мувофиқлаштириш имкон берган. Муҳаммадиева Севара Муродуллаевнанинг “Аксиал спондилоартрит: суяк ремоделяцияси ва таргет терапия тамойиллари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 2 ноябрдаги 09/10014- сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси маҳаллий ва 4 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари белгиланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аксиал спондилоартритни ташхислаш ва даволашга замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)”** номли биринчи бобида аксСпА муаммосининг назарий жиҳатлари кўриб чиқилган, илмий маълумотлар тизимлаштирилган, касалликда суяк ремоделяциясининг патогенези, клиник хусусиятлари ҳамда ушбу патологияни ташхислашга замонавий ёндашувлари ҳақидаги сўнгги фикрлар баён этилган. аксСпА билан оғриган беморларда умуртқа поғонаси суяк-тузилмасига таъсири тўғрисидаги замонавий адабиёт манбалари ўрганилган ва таргет терапия тамойиллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқот материаллари ва усуллари”** номли иккинчи бобида тадқиқот дизайни, унинг материал ва усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқот натижаларига статистик ишлов беришда фойдаланилган усуллар келтирилган. Тадқиқот учун Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси (ТТА КТК)нинг ревматология, кардиоревматология, артИАДК бўлимларида 2018-йилдан 2023-йилгача амбулатор ва стационар даво олган 25 дан 65 ёшгача (ўртача ёши  $37,6 \pm 11,7$ ) бўлган 252 нафар аксиал спондилоартрит (аксСпА) ташхиси билан даволанган беморлар киритилди. Назорат гуруҳига шу ёшдаги, ревматологик анамнезга эга бўлмаган, 70 нафар соғлом кўнгиллилар олинди. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, барча беморлар 2та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ - 1984 й. ишлаб чиқилган модификацияланган Нью-Йорк клезонларига жавоб берувчи, анкилозловчи спондилит (АС)ли 176та бемор, 2-гуруҳ - 2009 й.да ишлаб чиқилган ASAS 2009й. мезонларига мос келувчи, яъни норентгенологик аксСпА (нр-аксСпА)ли 76 та бемор. 252 нафар беморларнинг 66 (26,2%) нафарини аёллар, 186 (73,8%) нафарини эркеклар ташкил қилди, касалликнинг аксиал шакли 165 нафар (65,48%) беморларда, периферик шакли - 87 (34,52%) нафарида кузатилган. АксСпА билан оғриган беморларнинг 225 нафарида (89,3%) HLA-B27 антигени аниқланди. Кузатув гуруҳидаги беморларда касаллик давомийлиги 1 йилдан 25 йилгача, ўртача  $13,9 \pm 7,5$  йилни ташкил қилди. Беморларнинг 76 нафарини (30,2%) касалланганига 5 йилгача

бўлганлиги, 5 йилдан 10 йилгача - 124 (49,2%) ҳамда 10 йилдан ортиқ – 118 нафар (20,6%) беморларда аниқланди.

Касаллик анамнези маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аксСпАнинг илк белгилари пайдо бўлган вақтда беморларнинг ўртача ёши  $33,8 \pm 8,5$  ни ва касалликни биринчи белгилари пайдо бўлиши ҳамда ушбу ташхисни тасдиқланиши орасидаги ўртача давр  $9,4 \pm 4,6$  йилни ташкил этган. Кузатувдаги беморлардан касалликнинг фаоллиги ҳамда бўғим синдромининг яққоллиги ASDAS ва BASDAI шкаласи ёрдамида аниқланди, функционал фаоллиги эса BASFI индекси ёрдамида баҳоланди, оғриқли энтезисларни баҳолаш MASES шкаласи ёрдамида ўтказилди, BASMI метрологик индексдан умуртқа ва чанок-сон бўғими ҳаракатчанлигини объектив баҳолашда фойдаланилди. Касалликнинг периферик шаклида 44 та периферик бўғимларда оғриқ ва шиш белгилари мавжудлиги бўйича бўғимлар кўшимча равишда кўрикдан ўтказилди ҳамда оғриққа 100-миллиметрли визуал аналогли шкала (ВАШ) ёрдамида баҳо берилди. Беморларнинг барчасида думғаза-ёнбош бўғимида ўзгариш борлигини ҳамда сакроилиит даражасини аниқлаш мақсадида тос суягининг обзорли тасвири олинди, mSASSS шкаласи бўйича умуртқа поғонаси зарарланиш даражасини аниқлаш мақсадида эса умуртқа поғонасининг MPT/МСКТ ўтказилди.

Суякнинг минерал зичлиги (СМЗ) Lunar Prodigy Primo (АҚШ) General Electric HEALTH CARE (2016й.) икки энергияли рентген денситометрия аппарати ёрдамида аниқланди. ОП ташхиси (халқаро клиник денситометрия жамияти – ISCD тавсияларига мувофиқ) 50 ёшдан ошган эркакларда ОП ташхиси T- критерий -  $2,5$  SD дан кам бўлганда, 50 ёшдан кичик эркакларда - Z - критерий бўйича  $2,0$  SD дан паст бўлган қийматида қўйилди. Барча текширилган беморларда остеокальцин (ОК), CrossLaps ва остеокластогенезнинг асосий регуляторлари - OPG ва RANKL концентрацияси - қон зардобида иммунофермент анализ усули ёрдамида баҳоланди, яллиғланиш олди цитокинлари бўлган интерлейкин-17А, интерлейкин-6,  $\alpha$ -ўсма некроз омили ( $\alpha$ -ЎНО) иммунофермент текшируви усули ёрдамида аниқланди.

Барча беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш мақсадида SF-36 саволномаси ҳамда АС билан касалланган беморлар учун махсус тайёрланган ASQoL саволномаси бўйича сўровнома ўтказилди, даволаш динамикаси ASAS (ASAS20 ва ASAS40) мезонларига мувофиқ равишда фоиз нисбатида баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Хусусий тадқиқотлар натижалари ва уларнинг муҳокамаси**” деб аталиб, унда аксСпА билан касалланган 252 нафар беморларнинг клиник, биокимёвий ва функционал текширув натижалари таҳлил қилинган. Беморлар иккита катта гуруҳга ажратилган: I гуруҳ – норентгенологик аксСпА билан касалланган 76 нафар беморлар, II гуруҳ – рентгенологик аксСпА, яъни АС билан касалланган 176 нафар беморлар ташкил қилди. I гуруҳидаги беморларнинг ўртача ёши  $38,2 \pm 11,5$  йилни, II гуруҳ  $32,4 \pm 3,8$  ёшни ташкил этди. Иккала гуруҳ беморларининг асосий шикоятлари эрталабки қарахтлик бўлиб, у I гуруҳидагиларнинг

86,4%, II гуруҳдагиларни 53,6% кузатилди; белда оғриқ I гуруҳда 74,4%, II гуруҳнинг 66,1% қайд этилди; бўғимлардаги шиш (касалликнинг периферик шакли билан касалланган беморларда) I - 56,1%, II гуруҳнинг 46,1% беморларида кузатилди; ҳаракат чекланиши I - 59,1%, II –гуруҳнинг 44,3% беморларида аниқланди.

Касалликнинг фаоллик даражаси таҳлил қилинганда, ASDAS ва BASDAI бўйича ўта юқори фаоллик I гуруҳида  $4,8 \pm 0,82$  балл ва  $5,6 \pm 1,4$  балл, ўрта-юқори фаоллик ҳамда ўртача фаоллик II гуруҳида  $3,4 \pm 0,41$  балл ва  $3,7 \pm 0,65$  балл аниқланди.

ВАШ бўйича оғриқ синдроми I гуруҳида яққол ( $8,12 \pm 1,09$ ), II гуруҳида сезиларсиз ( $6,6 \pm 1,32$ ) даражада баҳоланди. MASES бўйича оғриқли этезислар индекси I гуруҳидаги беморларда  $8,04 \pm 1,4$ , II гуруҳида  $7,1 \pm 0,51$  тенг бўлди.

АС билан оғриган беморларнинг ўртача ёши, касалликнинг бошланишидаги беморларнинг ўртача ёши, беморлар орасида эркакларнинг устунлиги аниқланди. АСнинг кеч ташхиси қўйилиши - касаллик бошланганидан кейин ўртача  $9,4 \pm 4,6$  йилга кечикиши эътибор талаб қилади. Рентгенологик ўзгаришларгача бўлган босқичда АС ташхисини қўйиш қийинлиги билан бир қаторда, терапевтлар, неврологлар ўртасида касалликнинг эрта клиник белгилари ҳақида билим етарлича эмаслиги, касалликнинг дастлабки босқичларида ташхисни қўйишни чеклаб қўйган кўринади.

АС билан даволанган беморларда умуртқа поғонаси бел қисми зарарланишининг клиник белгилари устунлик қилди. Умуртқа поғонасидаги яллиғланишли бел оғриғи юқори фоизларда аниқланди - 74,3% гача. Беморларнинг 1/3 қисмида сакроилиитнинг клиник симптоматикаси аниқланди ва 69,84% ҳолларда тос суяклари рентгенографияси билан ва 30,16%да МРТ да тасдиқланди, бу эса бу текширишнинг спондилоартрит ташхисидagi аҳамиятини оширади.

АксСпАда патологик жараёнга энтезларнинг (энтезит), периферик бўғимларнинг (артрит), кўп ҳолларда кўз (увеит) ва аорта равоғи (аортит)нинг тез-тез иштирок этиши ҳам хос. Бундай ҳолда касалликнинг прогнози нафақат таянч-ҳаракат тизими зарарланишига, балки бошқа аъзоларнинг зарарланиши (скелетдан ташқари кўринишлар (СТК)) билан аниқланиши мумкин. АксСпА билан оғриган беморларнинг деярли 42 фоизида СТКнинг ҳар қандайи учраши кузатилган, увеит ва юрак патологияси эса касалликнинг ёмон прогнози ва беморлар ногиронлигининг хавф омиллари деб ҳисобланади.

Беморларнинг ярмида кокситнинг клиник белгилари қайд этилди. Кўпгина тадқиқотчилар кокситни касалликнинг ёмон прогностик омилли сифатида қарайдилар. Бизнинг тадқиқотимизда чаноқ сон бўғимлари зарарланиши 120 нафар (47,6%) беморда аниқланди. Бошқа зарарланган бўғимларга келсак, асосан оёқ: тизза, болдир товон бўғимларининг артрити қайд этилди. Энтезитнинг тарқалиши - 9,5% учради. Камдан-кам ҳолларда 3та беморда дактилит аниқланди. Увеит беморларнинг 82 тасида (32,5%), асосан бир томонлама қайд этилди. Протеинурия билан намоён бўлган

нефропатия кўринишидаги буйрак шикастланиши 11та беморда (4,36%) аниқланган, аорта ва аорта қопқоғи шикастланиши нисбатан кам (2,77%) учради.

Спондилитнинг рентгенологик белгиларидан олдинги бўйлама бойламасининг оссификацияси (беморларнинг 42,8%да) аниқланди. Беморларнинг 14,3% "Бамбук" таёқчаси симптоми камроқ тарқалганлиги қайд этилди, бу эса узок муддатли спондилитни кўрсатади. Синдесмофитлар – беморларнинг 1/4 қисмида аниқланди, бундан кўриниб турибдики, бу белгининг аксСпАли беморларда спондилоартрит ташхисидаги ролини камайтирмайди. Беморларнинг 26,7% да умуртқа поғонасидаги дегенератив ўзгаришлар, шу жумладан диск чурраси 16,7% ҳолларда ва 21,4% ҳолларда диск протрузияси аниқланди. Ўрганилган 176 нафар беморларда рентгенограммада икки томонлама сакроилиит қайд этилди, хусусан 35,7% да СИБнинг тўлиқ анкилози аниқланди, бу эса анкилозловчи спондилоартритнинг кўп йилдан бери мавжудлигини кўрсатади. МРТ текшируви натижаларига кўра, спондилит ва сакроилиит белгилари билан бирга дегенератив ўзгаришлар, шу жумладан диск чурраси ва диск протрузияси аниқланган. Ўпкалар тириклик сиғими ва Iсонияда жадал чиқарилган нафас ҳажми (1ЖЧНХ) камайиши беморларнинг 27,1% да қайд этилди. Бу ўзгаришларнинг келиб чиқиш сабаби ҳам спондилит, ҳам умуртқа-қовурға ва қовурға-ўмров бўғимларнинг шикастланиши туфайли бўлиши мумкин.

Бир қатор ревматологлар остеопорозни (ОП) АСнинг кенг тарқалган асоратлари деб ҳисоблайди, аммо сўнгги йиллардаги баъзи нашрларда АСдаги ОП асорат сифатида эмас, балки коморбид ҳолат сифатида муҳокама қилинади. Шу муносабат билан аксСпА билан оғриган беморларда ОП ва остеопения (ОПе) диагностикаси ўзига хос хоссаларга эга.

Тадқиқотда иштирок этган аксарият беморлар 50 ёшдан кичик бўлганлари учун СМЗни баҳолаш учун Z-мезон ишлатилди. Беморларда денситометрия натижаси маълум нуқталарда Z-мезонининг энг кичик қиймати бўйича ҳисобга олинган. СМЗ кўрсаткичи сон суяги бўйни ва умуртқа поғонаси бел қисмида баҳоланди.


аксСпА билан оғриган беморларда назорат гуруҳи билан солиштириганда СМЗ нинг статистик жиҳатдан сезиларли пасайиши ҳам сон суяги бўйнида, ҳам бел умуртқасида аниқланди. Шундай қилиб, аксСпАли беморларда сон суяги бўйнининг СМЗ  $0,8094 \pm 0,02$  г/см<sup>2</sup> ни, Z- мезон бўйича ва  $-1,41 \pm 0,16$  SDни, назорат гуруҳида эса мос равишда  $0,9430 \pm 0,03$  г/см<sup>2</sup>, ва  $-0,25 \pm 0,14$  SD ( $p < 0,05$  ва  $p < 0,05$ )ни ташкил қилди (расм 1).

АксСпА ли беморларда (асосий гуруҳ) бел умуртқасидаги СМЗ  $0,9801 \pm 0,02$  г/см<sup>2</sup> ни ва  $-0,82 \pm 0,15$  SD бўлди, назорат гуруҳида эса  $1,1213 \pm 0,03$  г/см<sup>2</sup> ва  $-0,16 \pm 0,13$  SD, кўрсаткичлар билан таққослаганда – ( $p < 0,05$  ва  $p < 0,05$ ).

АС билан оғриган беморлар гуруҳида СМЗнинг нормал кўрсаткичлари 38,9% ҳолларда, назорат гуруҳида эса – 68,6% ҳолатда аниқланди. Асосий гуруҳдаги остеопеник синдром (ОПС) 147 та (58,3%)

беморларда: ОПе – 61та (24,2%) ва ОП – 86та (34,1%) топилган (расм 2). Назорат гуруҳида ОПС тадқиқотда қатнашганларнинг 22 тасида (31,4%) аниқланди: ОПе – 17та (22,8%) ва ОП – 6 та (8,6%) ҳолатда аниқланди.

Денситометрик параметрларни баҳолашда, АСнинг рентгенологик босқичидан қатъи назар барча беморларда сон суяги бўйнининг СМЗ ва Z-мезоннинг, назорат гуруҳи билан таққослаганда сезиларли пасайиши аниқланди. Бел умуртқасидаги кўрсаткичларни ўрганганда СМЗ ва Z-мезонларининг II ва III рентген босқичлари бўлган беморларда назорат гуруҳи билан таққосланганда сезиларли пасайди, IV босқичда эса СМЗ ва Z-мезонлари назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада фарқ қилмади.



**Расм 1.** Асосий ва назорат гуруҳидагиларнинг суяк минерал зичлиги ўртача кўрсаткичлари (г/см²)

Беморлар гуруҳида рентген босқичига кўра денситометрик кўрсаткичларни солиштирилганда, бел умуртқасида рентгенологик ўзгаришлар ривожланишига қараб ушбу кўрсаткичларнинг ҳам ошиши аниқланди. Сон суяги бўйнида АС рентген босқичининг ошиши билан денситометрик кўрсаткичларда сезиларли фарқлар олинмади.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра бел умуртқасида энг паст денситометрик кўрсаткичлар АС нинг II рентгенологик босқичида аниқланди ва  $0,8512 \pm 0,02$  г/см² ни ташкил қилди, АС нинг IV радиологик босқичи бўлган беморларда энг юқори кўрсаткич:  $1,1003 \pm 0,03$  г/см² ( $p < 0,05$ ) ёки мос равишда –  $1,61 \pm 0,19$  SD ва  $-0,47 \pm 0,14$  SD ( $p < 0,05$ ) аниқланди.

Сон суяги бўйнида, ушбу параметрлар таққосланганда, кўрсаткичлардаги фарқлар ишончсиз бўлди. АС нинг II рентгенологик босқичида сон суяги бўйнида энг паст кўрсаткичлар СМЗ  $0,81021 \pm 0,03$  г/см² га бўлди, IV радиологик босқичида эса –  $0,8502 \pm 0,01$  г/см² ( $p = 0,063$ ), мос равишда  $-1,83 \pm 0,02$  SD ва  $-1,09 \pm 0,03$  SD ( $p = 0,072$ ) аниқланди.

Шундай қилиб, олинган натижалар АС билан оғриган беморларда рентгенологик ўзгаришларнинг ривожланиши билан умуртқа поғонаси бел қисмида денситометрик параметрларнинг ҳам ошишини кўрсатди.

АСнинг кечки босқичи бўлган беморларда умуртқа поғонасининг СМЗ даражаси соғлом одамларникидан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги аниқланди.


АксСпА билан оғриган беморларда касалликнинг эрта босқичларидаёқ суяк массасининг сезиларли пасайиши ҳақида санокли бўлсада далиллар мавжуд. Бизнинг тадқиқотимизда аксСпАнинг эрта босқичида бўлган беморларда ҳам сон суяги бўйнида, ҳам умуртқа поғонаси бел қисмида СМЗнинг пасайиши аниқланди.

АксСпАда диффуз суяк йўқотилишининг асосида RANK /Rank1 / OPG тизимидаги номуносивлик ётади, бу тизим орқали остеокластогенезга кўпчилик медиаторларнинг таъсири амалга оширилади. Ушбу патогенетик механизм ҳозирда аксСпАда ОП ривожланишининг етакчиларидан бири деб ҳисобланди.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб аксСпА билан оғриган беморларда суяк резорбциясининг маркёри - 1-тоифа коллаген С-терминал телопептидлари (CrossLaps) ўртача даражаси назоратдагидан юқори бўлди (мос равишда  $0,52 \pm 0,37$  ва  $0,37 \pm 0,18$  нг/мл;  $p > 0,05$ ). CrossLaps даражаси СМЗ пасайган беморларнинг 88 тасида (60%) ва нормал СМЗ гуруҳида - 52 та беморда (49,5%) назорат гуруҳи қийматларидан юқори бўлди ( $p > 0,05$ ). 2-расмда кўрсатилганидек, CrossLaps даражаси юқори бўлган беморларда ASDAS-CPO индекс фаоллиги нормал кўрсаткичга эга бўлганлар билан солиштириганда сезиларли даражада юқори эди (мос равишда  $3,5 \pm 0,9$  ва  $3,1 \pm 0,6$ ;  $p < 0,05$ ), BASDAI, BASFI индексларида, С-реактив оксил (СРО), ЭЧТ кўрсаткичларида ўсиш тенденцияси кузатилди, шунингдек яллиғланган бўғимлар сони ҳам кўплиги аниқланди. Денситометрия натижаларига кўра, уларда Т-мезони сезиларли даражада паст эди ( $-1,5 \pm 1,1$  ва мос равишда  $-1,0 \pm 0,6$ ;  $p < 0,05$ ). Юқори CrossLaps даги Z-критерий ҳам бироз пастроқ эди, аммо бу фарқ ишончсиз бўлди. аксСпА давомийлиги ошгани сайин ва радиологик ўзгаришларнинг ривожланиши билан CrossLaps даражасида бир оз ўсиш аниқланди: аксСпА II рентгенологик босқичи бўлган беморларда  $0,47 \pm 0,35$  нг/мл ни, ва IV босқичда -  $0,55 \pm 0,37$  нг/мл ни ташкил этди ( $p > 0,05$ ). аксСпА фаоллиги юқори бўлган беморларда CrossLaps миқдорининг ҳам сезиларли даражада юқорилиги аниқланди (BASDAI  $> 4,0$ ). Корреляция таҳлили CrossLaps даражаси ва аксСпА фаоллиги ўртасидаги сезиларли боғлиқликни аниқлади ( $r = 0,26$ ;  $p < 0,05$ ).

аксСпА билан оғриган 89 та (35,3%) беморда суяк шаклланиши параметри ОК нинг даражаси назорат гуруҳидагилардан ҳам юқори эди, лекин кўпчиликда, яъни 163 та (64,7%) беморда пастроқ бўлгани учун, бутун гуруҳда ушбу параметрнинг пасайишига олиб келди (расм 2). Шу билан бирга, ОК нинг паст миқдори бўлган беморлар аксСпАнинг юқори фаоллиги билан ажралиб туради: уларда ASDAS-CPO индекси нормал ОК даражаси бўлган беморларга қараганда сезиларли даражада юқори бўлди (мос

равишда  $19,7 \pm 3,4$  ва  $26,4 \pm 2,6$ ;  $p < 0,05$ ), шунингдек BASDAI индекси, яллиғланган бўғимлар сони, СРО, ЭЧТ даражаси ошиш тенденцияси кузатилди. ОК концентрацияси паст бўлган беморларда аксСпА анамнези бироз узокроқ бўлганлиги ва аксСпА нинг кеч босқичдалиги аниқланди. Уларда BASFI функционал индекси нормал ОК даражаси бўлган беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори эди (мос равишда  $6,4 \pm 1,3$  ва  $5,1 \pm 0,9$ ;  $p < 0,05$ ). аксСпАнинг жуда юқори фаоллиги бўлган беморларда ўртача фаолликдаги беморларга нисбатан ОК нинг даражаси сезиларли паст бўлди (мос равишда  $10,5 \pm 6,5$  ва  $16,9 \pm 5,1$  нг/мл);  $p < 0,05$ ).



**Расм 2.** Аксиал спондилоартритли беморларда остеокальцин даражаси бўйича кўрсаткичлар

аксСпА IV рентген босқичидаги беморларнинг қон зардобиди ОК концентрацияси II босқичли беморларга қараганда сезиларли даражада паст эди ( $9,7 \pm 8,1$  ва  $21,2 \pm 6,9$  нг/мл) мос равишда;  $p < 0,05$ ), бунинг сабаби аксСпА кечки босқичидаги беморларда ОП ва остеопениянинг юқори частотаси билан изоҳланади. аксСпА давомийлигининг ортиши билан ОК даражасининг бироз пасайиши ҳам қайд этилган. Тадқиқот натижалари ОК даражаси ва ASDAS-CPO ( $r = -0,23$ ;  $p < 0,05$ ), BASDAI ( $r = -0,29$ ;  $p < 0,05$ ), BASFI ( $r = -0,34$ ;  $p < 0,05$ ) индекслари, аксСпАнинг рентген босқичи ( $r = -0,24$ ;  $p < 0,05$ ) ўртасидаги салбий корреляцияни кўрсатди. Шундай қилиб, биз томондан текширилган аксСпА билан оғриган беморларда суяк метаболизми суяк ҳосил бўлишининг пасайиши ва суяк тўқималарининг деградациясининг нисбатан ортиши билан характерланди. Шу билан бирга, суяк шаклланишини тавсифловчи ОК даражаси аксСпА фаоллиги кўрсаткичлари (ASDAS-CPO, BASDAI индекслари), аксСпА рентген босқичи, шунингдек BASFI индекси ( $r = -0,34$ ;  $p < 0,05$ ) билан салбий боғлиқлиги аниқланди. Суяк резорбцияси кўрсаткичи CrossLaps эса аксСпА фаоллиги билан ижобий боғлиқ бўлиб, бу

аксСпА беморларда яллиғланишнинг суяк метаболизми бузилишида ва суяк зичлигининг пасайишида муҳим ролини кўрсатади.

